

Балтабаева М.М.
Мирзо Улуғбек номидаги
ЎЗМУ доценти, PhD
baltabaevamanzura68@gmail.com

**ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИГИДА
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
МАСАЛАЛАРИ
АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада рақамли технологиялар тушунчасига батафсил таъриф берилган. Шунингдек, рақамли технологияларнинг жамият иқтисодий тараққиётига таъсири, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар, тадбиркор хотин-қизлар фаолиятларини ривожлантиришда рақамли таълимдан фойдаланиш масалалари ва натижалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли технологиялар, рақамли таълим, рақамли иқтисодиёт, “Электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “телекоммуникация”, “интернет”, “веб-сайт”, аёллар тадбиркорлиги, имтиёзли кредит, субсидия, “Aziz-ayol.uz”.

Балтабаева М.М.
PhD., доцент НУУЗ
имени Мирзо Улуғбека
baltabaevamanzura68@gmail.com

**ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ УЗБЕКСКИХ ЖЕНЩИН
АННОТАЦИЯ**

В данной статье подробно описывается термин “цифровая технология”. Также освещается влияние цифровых технологий на экономическое развитие общества, реформы, направленные на переход к цифровой экономике в Узбекистане, проблемы и результаты использования цифрового образования в развитии предпринимательской деятельности женщин.

Ключевые слова: цифровизация, цифровые технологии, цифровое образование, цифровая экономика, “электронное правительство”,

“электронное управление”, “телекоммуникации”, “Интернет”, “веб-сайт”, женщина предприниматель, льготный кредит, субсидия, “Aziz-ayol.uz”.

Балтабаева М.М.

Associate professor of NUUz
named after Mirzo Ulugbek
baltabaevamanzura68@gmail.com

IN THE ENTREPRENEURSHIP OF UZBEK WOMEN ISSUES OF THE USE OF DIGITAL TECHNOLOGY

ABSTRACT

This article describes in detail the term "digital technology". It also highlights the impact of digital technologies on the economic development of society, reforms aimed at the transition to a digital economy in Uzbekistan, the problems and results of using digital education in the development of women's entrepreneurship.

Keywords: digitalization, digital technologies, digital education, digital economy, “electronic government”, “electronic management”, “telecommunications”, “Internet”, “website”, women entrepreneur, preferential credit, subsidy, “Aziz-ayol.uz”.

КИРИШ

Бугунги кунда рақамли технологиялар дунё давлатларига, жамият ҳаётининг барча соҳаларига жадал кириб борапти. Иқтисодий рақамлашуви тараққиётнинг муҳим омили бўлмоқда. 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили” деб эълон қилинганлиги мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодий ривожлантириш энг муҳим вазифага айланганлигидан далолатдир. Шу муносабат билан давлат раҳбарининг Парламентга қилган мурожаатномасида мамлакатни 2020 йил ва кейинги беш йилга ривожлантириш мақсадлари белгилаб берилди[1].

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар очиклик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага чиқарди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”,

“электрон бошқарув”, “телекоммуникация”, “интернет”, “веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. Интернет тармоғи кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Электрон ҳукумат ва ягона интерактив хизматлар портали орқали 178 та хизмат йўлга қўйилди ҳамда ушбу хизматлар аҳолининг вақти ва харажатларини тежамокда[2].

Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардандир. Рақамли иқтисодиёт - ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш, истеъмол қилиш ва бошқарув жараёнларининг (инсонлараро, машиналараро, булутлар ва катта ҳажмдаги рақамлар (BIG DATA) орқали) рақамли технологиялар ҳамда интернет ёрдамида маълумот алмашинишни оптимallasштириш орқали катта фойда кўришга қаратилган фаолият[3] бўлиб, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни, айниқса, коррупцияни кескин камайтиради.

2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорида “2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини икки, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини уч барабар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилди[4]. Бу вазифаларни амалга оширишда кичик бизнес ва тадбиркорликда фаолият олиб бораётган, республика аҳолисининг 49,8 фоизини[5] ташкил қилган хотин-қизларимизнинг ҳам хиссаси бор. Бугунги кунда республикада тадбиркор хотин-қизлар сафини кенгайтиришда ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларда ҳам рақамли технологиялардан ва рақамли таълимдан кенг фойдаланиш учун имкониятлар яратилди.

Рақамли таълим ва рақамли технологиялар сабаб ахборотларга эга бўлиш ва ахборотлар алмашуви билан боғлиқ жараёнларнинг тезлашуви ҳар бир соҳадада фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини талаб этмоқда. Чунки рақамли технологиялар – турли характердаги маълумотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, ўзгартириш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш учун чексиз имкониятлар

беради. Ўз навбатида рақамли таълимнинг–таълим қулайлигини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, шахсга йўналтирилган таълимни ривожлантириш ҳамда ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш жараёнларини такомиллаштиришда имкониятлари чексиздир.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Бугунги кунда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитишда ҳам рақамли таълим имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-87-сон Фармони ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган “Хотин-қизлани касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-329 сонли Президент қарорига асосан бир қатор имтиёзлар яратилди. Жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрига киритилган нодавлат таълим ташкилотларида, профессионал таълим муассасалари ҳамда “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби”нинг касб-ҳунарга ўргатувчи ўқув курсларида ўқимоқчи бўлган ёшлар ва хотин-қизлар учун ўқув курслари қийматининг 70 фоизи, бироқ 1 млн сўмдан ошмаган қисми компенсация қилиб берилади. Бу имтиёзларни амал қилишида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан таълим олувчи талабгор томонидан уч томонлама шартнома имзоланади.

“Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган ёшлар ва хотин-қизлар учун Олий мактаб томонидан ўқитиш ишлари тўлиқ бепул амалга оширилади, ўқув курсларини якунлаган ишсиз хотин-қизлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилади. Бундан ташқари, ўқув курсларини якунлаган хотин-қизларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан бошлаб, ўз фаолиятини мустақил олиб боришига қадар бўлган

жараёнда ҳоким ёрдамчилари томонидан тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиб борилади. Қолаверса, республикамизнинг барча вилоятларида фаолият олиб бораётган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан нодавлат таълим ташкилотлари ва профессионал таълим муассасаларининг ўқув курси қийматининг қолган 30 фоиз қисмини уч томонлама шартномага мувофиқ олдиндан тўлаш орқали қоплаб берилади.

Бу борадаги тизимли ишлар натижасида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Олий мактаб томонидан ҳар бир маҳалла кесимида ишсиз деб эътироф этилган ва ишлаш ёки тадбиркорлик қилиш истагини билдирган хотин-қизларнинг рўйхати шакллантирилди. Шу муносабат билан вилоятларда ташкил этилган “Ишга марҳамат” мономарказлари, Олий мактабнинг ҳудудий филиаллари, Савдо-саноат палатасида шакллантирилган рўйхатларга киритилган хотин-қизларнинг касб-ҳунарга (“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси электрон ахборот тизимида мавжуд бўш иш ўринларидан келиб чиққан ҳолда) ва тадбиркорликка ўқитилиши таъминланмоқда. Албатта бу вазифаларни амалга оширишда “Онлайн маҳалла”, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Mehnat.uz” платформаларидаги мавжуд бўш иш ўринларини аниқлаш, маҳаллалар кесимида хотин-қизларни бандлиги таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятларига ҳар томонлама молиявий кўмак бериш вазифалари амалга оширилмоқда.

Республика ҳукумати томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар самарали бўлиши учун, берилаётган имкониятлардан фойдаланиш учун фуқародан малака ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли сармоя талаб этилади, буларсиз барча саъй-ҳаракатлар самара бермаслиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раислигида 8 октябрь куни ўтказилган

видеоселектор йиғилишида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Йиғилишда эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 55 фоизи ўрта маълумотли эканлиги давлат раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди[6]. Қолаверса, ишсиз ёшларнинг ҳам кўпчилиги замонавий билим ва ҳунарларни эгалламаган. Уларни доимий иш билан таъминлаш учун касб-ҳунар ўргатиш билан бирга ишбилармонлик учун зарур билим ва маблағ талаб этилади. Йиғилишда ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашнинг ечими сифатида хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилиш орқали нодавлат касб-ҳунар таълими марказлари орқали ёшлар ва аёлларда касбий кўникмаларни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтирилиши таъкидланди[7]. Шунинг 10 миллиони ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитишга, 90 миллиони эса ўқув курсларини тамомлаб, сертификат олганларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун сарфланади. “Ижтимоий шартнома” орқали нодавлат касб-ҳунар ўқув курсларини битирадиган ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 миллион сўмгача субсидия бериш йўлга қўйиладиган бўлди.

Республика “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган Давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳалари ижроси 2021 йилнинг ўтган тўққиз ойида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жами 3 трлн. 572 млрд. сўм кредит ажратилиб, ундан 659,2 млрд. сўми 16 910 нафар ёшнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилди, 563,2 млрд. сўми эса 18 556 нафар аёл тадбиркорлар учун ажратилди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига асосан 2020 йилда 1 138 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди ва 44 448 та иш ўрни яратилди. Шундан, биргина “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида ажратилган 879

млрд. сўмлик имтиёзли кредитлардан 569 млрд. сўми 28 122 нафар ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга йўналтирилди. Ҳунармандчилик соҳасида ҳам 4 081 та миждога ажратилган 126 млрд. сўм имтиёзли кредитларнинг 112 млрд. сўми ёки қарийб 89 фоизи 3 772 нафар аёл ва ёш тадбиркорларга йўналтирилган. Бундан ташқари, “Ёшлар – келажакимиз” давлат дастури бўйича 928 нафар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари йўналишларида 443 нафар хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги таъминланди[8]. Масалан, Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги “Bonito Group” МЧЖ раҳбари Сайдилло Солиевнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини молиялаштириш учун 1,5 млрд. сўм кредит ажратилди. Ҳозир корхонада 90 нафар иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг 61 нафари ёшлардир.

Чуст тумани, Тепакўрғон МФЙда фаолият кўрсатувчи “Апекс Пласт Инвест Груп” МЧЖ раҳбари Юсупов Аҳмаджон Ҳабибжон ўғлининг тухум флейкаси ишлаб чиқариш фаолияти учун 600 млн. сўм кредит ажратилди. Ушбу корхонада жами 20 та янги ишчи ўрни яратилди, шундан 16 нафари ёшларни ташкил қилади.

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан 2020 йилнинг якунига қадар, қўшимча равишда ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яна 172 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилиши режалаштирилиб, ушбу кредитлар самарадорлигини ошириш учун тайёр бизнес лойиҳаларни амалга ошириш, ўзини-ўзи банд қиладиган 67 та йўналиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун керакли молиявий маслаҳатлар бериш тизими банкнинг ҳар бир ҳудудий бўлинмаларида жорий қилинди. Бундан ташқари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари молиявий қўллаб қувватлаш ва бандлигини таъминлаш соҳасида “Темир дафтар”га киритилган фуқароларнинг 5 859 тасига 59,9 млрд. сўм кредит ажратилди. Мазкур соҳада ҳам 2 686 нафар ёшга 28,7 млрд. сўм ва 3 040 нафар аёлга 27,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Преидентининг 2020 йил 13 октябрда қабул қилинган “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса ушбу йўналишдаги ишларимизни ривожлантириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу қарор билан 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби амалиётга жорий қилиниши белгиланди. Ушбу ўқув курсининг якуний босқичида фуқароларга банк томонидан тасдиқланган ўқув дарслари ва машғулотлари ўтказиш вазифаси топширилди. Мазкур ўқув дарсларида фуқаролар банк маҳсулотларидан масофадан фойдаланиш, банкнинг мавжуд хизматлари ва маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ маълумот олишади. Ўқув курсларини якунлаб махсус сертификатга эга бўлган мижозларга эса ходимларимизнинг ўзи алоқага чиқади. Яъни мижоз банкка мурожаат қилмаган тақдирда ҳам банк ходими мижоз билан боғланиб, унга банк хизматларини таклиф этади. Қайси филиал ёки Банк хизматлари марказига (БХМ) учрашиши мумкинлиги ёки банкка ташриф буюрмаган тарзда электрон ариза тақдим этиш имконияти мавжудлиги тўғрисида маълумот берилади. Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффақиятли тамомлаб, уларнинг сертификатини олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун ҳеч бир муаммога дуч келишмайди. Яъни тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади. Шунингдек, микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача микрокредитлар ажратилиши белгиланган. Ушбу

микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида берилади. Бунда банк инфратузилмасини кўпайтиришда, асосан, қулай ва замонавий БХМлар орқали онлайн масофавий хизматлар кўрсатиш назарда тутилган. Бугунги кунда банкнинг 71 та филиали ва 100 дан ортиқ Банк хизматлари марказлари ҳамда минибанклари хизмат кўрсатиб келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида талабдан келиб чиқиб, кўшимча БХМлар ташкил қилиб борилмоқда. Албатта, мавжуд инфратузилмалар билан юртимизнинг барча ҳудудларини бирдек қамраб олишнинг имкони йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда галдаги вазифамиз 2021 йил давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, ўзи операторлик вазифасини бажарувчи микромолиялаш миллий тизимини яратиш ва унда бошқа кредит ташкилотларининг манфаатдорлик асосида иштирок этишини таъминланади. Банкнинг қуйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш ва миқозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилинади. Бунда соҳада муваффақиятга эришган ва халқаро тан олинган хорижий молия институтларида ходимларнинг малака ошириши ва тажриба алмашишини ташкиллаштирилади. Банк бошқаруви таркибига ижтимоий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий малакали мутахассисларнинг жалб қилинади. Юқоридаги тадбирлар натижасида фуқароларга ўз бизнесларни йўлга қўйишнинг барча босқичларини қамраб олган ҳолда банк хизмати кўрсатиш режалаштирилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларининг узоқ муддат яшовчанлиги таъминланади, миллий иқтисодиётимиз равнақида кичик бизнеснинг улуши ошиб боради, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг юқори даромадга эга бўлиши таъминланади. Ушбу қарор талабига кўра, 2021 йил 1 январга қадар “Микрокредитбанк”нинг аҳолини, айниқса, ёшлар ва

хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес модели ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, “Хотин қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[9], ““Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[10] қарорларига асосан “Aziz-ayol.uz” миллий платформасининг яратилиши республика ҳудудларидаги хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва бартараф этишда муҳим бўлмоқда. “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасида вазирлик ва идоралардан хотин-қизлар билан боғлиқ маълумотлар тезкорйиғилиши ва реал вақт режимида таҳлил қилинган статистик маълумотларнинг жамланиши ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда, хотин-қизларнинг таълим олишлари, уларда фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни шакллантириш, хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этишга ёрдам бериш, оилаларда ажралишларнинг олдини олишга қаратилган давлат органлари фаолиятларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу борада вилоятларда самарали ва тизимли ишлар давом этмоқда. Биргина республиканинг ҳудудий жиҳатдан аҳолиси зич жойлашган, аҳоли сони бўйича республикада биринчи ўринда турадигон Андижон вилоятида шаҳар аҳолисининг деярли ярмини хотин-қизлар ташкил этади, яъни шаҳадаги иш билан банд аҳолининг 101 минг нафари, ёки 51 фоизи аёллардир[11] .

Андижон шаҳар ҳокимлиги, оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, айниқса, ижтимоий ҳамда турмуш шароити оғир, ишсиз хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш, доимий даромад манбаларини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда хотин-қизлар

тадбиркорлигини ривожлантириш, касаначиликни йўлга қўйиш, ўзини-ўзи банд қилиш ҳисобига ва бошқа барча йўналишлар бўйича хотин-қизлар учун 2 минг 111 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган, – дейди Андижон шаҳар ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Наргиза Улуғбекова. Бу борада олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар учун 1 минг 64 та янги иш ўрни, жумладан, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган аёллар томонидан 400 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда биринчи навбатда ижтимоий муҳофазага мухтож, оғир шароитда яшаётган, вақтинча ишсиз, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг имконият ва шароитлар ўрганилди, улар иштирокида турли тарғибот тадбирлари, семинарлар ўтказилди. Ҳозирга қадар “Аёллар дафтари”га киритилган, тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 1 минг 949 нафар аёлнинг 423 нафари Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Савдо саноат палатаси, “Тадбиркор аёл”, “Ҳунарманд” уюшмалари вилоят бўлимлари, Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳамда банклар ҳамкорлигида тадбиркорлик бўйича махсус курсларда ўқитилди.

“Мақсадимиз маҳаллалардаги қийин шароитда яшаётган, иш билан банд бўлмаган аёлларнинг муаммо ва имкониятларини ўрганиш орқали уларга кўмаклашишдир”, – дейди Андижон тижорат Халқ банки Андижон шаҳар бўлими бошлиғининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Дилдорахон Зулунова. Банкда фаолият олиб бораётган мутахассислар томонидан ўз тадбиркорлигини бошлаш истагидаги, махсус курсларда таҳсил олган ишсиз аёллар тадбиркорлик борасида муайян билимга эгами, тадбиркорликни йўлга қўйиш, банк кредитидан фойдаланиш, маҳсулот тайёрлаш, ишлаб чиқариш, сотиш, кредитни қайтариш имкониятлари қай даражада эканлиги аниқланади ва ана шу йўналишларда хотин-қизларга зарур билим, тушунча, тавсия ва маслаҳатлар берилади.

Ҳозирга қадар Андижон шаҳрида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги, махсус курсни тамомлаган хотин-қизлардан 310 нафарига 4 миллиард 669 миллион сўмдан зиёд миқдорда кредит ажратилди. Бундан ташқари, Бандлик маркази томонидан 18 нафар аёлга иссиқхона қуриш ва тикув машиналари сотиб олиш учун 133,3 миллион сўм миқдорида субсидиялар берилди. “Ўзим чеварман, “Аёллар дафтари”га киритилганман”, – дейди Андижон шаҳри Маориф маҳалласида яшовчи Мухаррамхон Назирова. Тадбиркор аёл банкдан олинган 33 миллион сўм имтиёзли кредит билан ўз хонадонида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. Маҳалласидаги чеварчиликдан хабардор, лекин ишсиз бир неча аёлни ишга олиб, аёллар, болалар кийимларини тикиб, сотишни йўлга қўйганлиги натижасида ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг анча харидоргир бўлишига эришган ва бу фаолиятдан яхши даромад олмоқда.

Андижон шаҳри Намуна маҳалласи, А.Фитрат кўчасида яшовчи Гавҳарой Содикова “устоз-шогирд” анъанаси асосида хунар ўрганиб, ўзини ўзи банд қилган бўлса, унинг маҳалладоши Сафойй кўчасида яшовчи хунараманд Муҳаббатхон Сатторова банкдан ажратилган 5 миллион сўм кредит ҳисобига ўз хонадонида кўрпа-тўшак тикишни йўлга қўйди. Қолаверса, яна икки нафар ишсиз маҳалладошини иш билан таъминлади. “Мен ва мен каби аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва кўмакдан беҳад хурсандман”, ана шу эътибор туфайли ўз имкониятларимизни юзага чиқардик, энг асосийси, ишлаб, даромад топиб, оиламизга ёрдам бериш, хонадонимиз кам-кўстини тўлдириш имконига эга бўлдик”, – дейди Муҳаббатхон Сатторова.

Умуман, Андижон шаҳрида 2021 йил якунига қадар махсус курсларни тамомлаб, сертификат олган яна 1 минг 639 нафар аёлга “Халқ банки”, “Агробанк”, “Микрокредитбанк” шаҳар бўлимлари томонидан навбат асосида кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Бу эса, Андижон шаҳрида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаини шакллантиришга қаратилган ишлар тизимли ва режа асосида олиб борилаётганлигининг яққол мисолидир.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги хотин-қизлар чеварчилик, гиламдўзлик, зардўзлик каби миллий ҳунармандчиликнинг касаначилик меҳнат шакли асосида бозор иқтисодиёти талабларига мос замонавий тадбиркорлик ва эркин рақобат муҳитига трансформациялашув жараёнларини босиб ўтдилар[12]. Бугунги кунда тадбиркорликнинг чеварчилик, пазандачилик, миллий каштачилик каби соҳаларида фаолият олиб бораётган тадбиркор хотин-қизларимизнинг маҳсулотлари доимо харидоргир. Сабаби ўзбек халқининг тўйлари, тантаналари, турли маросимлари уларсиз ўтмайди, қолаверса хотин-қизларимиз тадбиркорликнинг сунъий гуллар ясаш, турли савзавотларга безак бериш, пазандачилик ва қандолат маҳсулотларини тайёрлаш йўналишларидаги фаолиятларини замон талаблари асосида ривожлантириб, улар томонидан тайёрланадигон маҳсулотларни санъат асари даражасига олиб чиқиб, миллий ҳунармандчиликнинг янги замонавий касб соҳалари ҳисобига кенгайтиришни таъминламоқдалар.

Рақамлаштиришнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши таъсирида турмушимизда турли қулайликлар пайдо бўлди, салкам ўн йил олдин банк пластик карталаридан фойдаланишда банк карталарида маблағ бўлса-да, уни сарф қилиш ёки нақдлаштириш имконияти жуда аянчли ҳолатда эди. Бу ҳолат оддий фуқародан тортиб, тадбиркорлик соҳасида фаолият олиб бораётган хотин-қизларга ҳам қўплаб муаммоларни юзага чиқарарди. Эндиликда эса, банк мижозлари онлайн харидларни амалга ошириш, мобиль қурилмалар ёрдамида пул маблағларини эркин ўтказиш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам тадбиркор хотин-қизлар молиявий ҳисоб-қитобларни амалга ошириш, маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш учун ҳам компьютер технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишлари муҳим.

ХУЛОСА

Рақамли таълим жараёнларида тадбиркор хотин-қизлар интернет тизимидан фойдаланган ҳолда бу соҳада фаолият олиб бораётган Европа,

Шарқ мамлакатлари тадбиркор аёлларининг янгиликларидан хабардор бўлиш, янги безаклар яратиш, ўзларининг маҳсулотларини оммалаштириш борасидаги имкониятлардан ҳам хабардор бўлмоқдалар. Кийим-кечак, парфюмерия, парзодлик, пазандачилик буюмлари савдоси соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор хотин-қизларимиз рақамли иқтисодиётнинг янги имкониятларидан фойдаланган ҳолда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, телеграм, фейсбук, инстаграм каналлари орқали ўзларининг савдо каналларини очиш имкониятига эга бўлмоқдалар, натижада улар нафақат республикамизнинг турли ҳудудларидаги мижозларга маҳсулотларини онлайн етказиб бериш, балки Туркия, Хитой, Корея, Хиндистон каби давлатлардан маҳсулотларни улгуржа нархларда сотиб олиш жараёнларини ҳам онлайн амалга оширмоқдалар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда рақамли технологиялар асосида рақамли таълимнинг кириб келиши республика иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар сафини янада кенгайтишига, аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланишига, мамлакат экспорт салоҳиятини ошишига хизмат қилмоқда.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/2020-yil/>
2. Н. Жумаев. Рақамли иқтисодиёт бизга нима беради? <https://uzlidep.uz/news-of-party/>
4. Ш.М.Мирзиёев. 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент 2020 йил 28 апрелдаги қарори, Халқ сўзи, 2021.
5. Ўзбекистон аҳолиси 2021 йилда 712,4 минг нафарга ошди. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/14/population/>
6. О.Бўтаев. Ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш камрови кенгаймоқда <https://xs.uz/uzkr/post/yoshlar>.

7. Ш.М.Мирзиёев. “Хотин қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сонли қарор. Халқ сўзи, 2021.

8. Ш.М.Мирзиёев. “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги 507-сон қарор”, Халқ сўзи, 2021.

9. Убайдуллаев. Хотин-қизлар тадбиркорлиги ривожланади.
<https://uza.uz/uz/posts/hotin-qizlar-tadbirkorligi-rivozhlanadi>

10. М.М.Балтабаева. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки(1991-2019 йиллар). Т.ф.ф.д.дисс. Тошкент, “Тошкент кимё технология институти”, 2019.- Б.6.